
ЎЗЎВОНДА ЛИМОНЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН СОЙЎНИ МАҲАЛЛАСИДА ҲАР БИР ХОНАДОНДА ЛИМОНАРИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН БЎЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Ўзёвон туманидаги ўрганишлари давомида Соёни МФЙда аҳоли хонадонларида бўлди. 3 ярим минг нафарга яқин аҳоли, 653 та хонадон бўлган ушбу ҳудуддаги 374 та хонадон томорқаларида иссиқхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти узоқ йиллардан бери лимончилик билан шуғулланмоқда.

Вилоят ҳокими билан мулоқот қилган маҳалла аҳли, 1 сотих майдонда ўртача 500 кг ҳосил, қарийб 4 миллион сўм даромад олишаётганини қайд этдилар. Маҳаллада яшовчи Акбарали Каримов хонадошида 12 сотих майдондаги лимонарийдан 50 миллион сўм даромад олиш билан бирга, 170 қути асалари парваришлаб, бир йилда 90 миллион сўм соф фойда олишга эришишди.

Маҳаллада лимон етиштириш билан бирга, йилига 50 минг туп лимон кўчатлари тайёрланади ва бу ҳам аҳолининг муҳим даромад манбаи ҳисобланади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳамда маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси билан суҳбатлашган вилоят раҳбари, маҳалладаги барча хонадонларда лимонарий ташкил этиш бўйича кўрсатма берди ва бунинг учун кредит масаласида кўмак берилишини маълум қилди.

Шунингдек, асаларичиликни ривожлантириш мақсадида тумандаги ўзлаштирилмаган ер майдонларидан павлония етиштириш учун ер ажратиш борасидаги маҳалла вакилларининг мурожаати ҳам ижобий ҳал этиладиган бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-12-01 22:10:05